# XIX Бутуниттифоқ партия конференцияси олдидан

• *Партия турмуши:*

*коммунистлар аттестацияси*

## 1. СУҲБАТ ПРИНЦИПИАЛ БЎЛСИН

### *Собир Раҳимов район партия ташкилотларида коммунистлар аттестацияси қандай ўтяпти?*

**Тошкент шаҳар Собир Раҳимов районидаги 123 та корхона, ташкилот ва муассаса бошланғич партия ташкилотларида коммунистларнинг ижтимоий-сиёсий аттестацияси бормоқда. Ҳозирга қадар жалб қилинган 970 коммунистдан 830 нафари аттестациядан муваффақиятли ўтди, 121 киши, жумладан 20 раҳбар аттестациядан шартли равишда ўтказилди. 19 коммунист эса аттестациядан ўта олмади, улардан 5 нафари раҳбар ходимлардир.**

УЧИНЧИ уйсозлик комбинати партия комитети коммунистларни ижтимоий-сиёсий аттестациядан ўтказиш ишига жиддий эътибор бермоқда. Етти кишидан иборат аттестация комиссияси сайлаб қўйиладиган органлар аъзолари, ветеран коммунистлар, ишлаб чиқаришни яхши биладиган мутахассислардан иборат. Комиссия аттестациядан ўтувчиларга талабчанлик билан, принципиал ёндашмоқда. Ҳозиргача 19 коммунистдан 15 нафари аттестациядан муваффақиятли ўтди, бир киши шартли равишда аттестация қилинди, уч коммунист аттестациядан ўта олмади.

Партия ташкилоти билан алоқани узиб, йиғилишларда қатнашмай қўйганликлари, аъзолик бадалларини тўламаётганликлари ва Устав талабларини бажармаганликлари учун 4-йирик панелли уйсозлик заводининг собиқ цех бошлиғи М. Шарипов, электрик В. Костромин, дурадгор В. Ткаченко партия сафидан чиқарилдилар.

#### ЖОНЛИ МУЛОҚОТ

БИЗ комбинат партия комитетида навбатдаги аттестациялардан бирида қатнашиб, ундан сўнг коммунистлар билан суҳбатлашдик.

**М. Шодмонов, катта прораб:** — Аттестациядан ўтдим. Анча ҳаяжонландим. Ахир комиссия талабчан эди-да. Ишлаб чиқаришга оид кўп саволлар беришди. Очиғини айтсам, мени коммунист, катта прораб сифатида кўпдан бери комбинатимиздаги айрим муаммолар ташвишлантириб келарди. Ишлаб чиқаришга тўғаноқ бўлаётган омиллардан бири моддий-техника таъминотининг пухта йўлга қўйилмаганлигидир. Масалан, Бекобод цемент комбинати цементни узлуксиз етказиб бермаётганлиги сабабли комбинатимиздаги 3-йирик панелли уйсозлик заводи тўрт кун давомида ишламай турди. Челябинск ва Магнитогорск комбинатлари эса металл прокатларини келишилган муддатларда етказиб бермаётир. Ўтган йил IV кварталда завод уч вагон металлни кам олди. «Узглавстройдревпром» эса эшик ва дераза блокларини юбориш муддатларини мунтазам равишда бузиб келяпти. Линолеум, бўёқ, гул қоғоз, электродларни ҳам бир маромда олаётганимиз йўқ. Ана шуларнинг ҳаммаси бутун комбинат, жумладан, мен ишлайдиган 3-қурилиш конвейерлари бошқармаси фаолиятига ҳам салбий таъсир кўрсатади, албатта.

Ваҳолонки, биз йил бошидан бери янгича шароитда, хўжалик ҳисобида ишламоқдамиз. Мен аттестациядан ўтгач, катта коллективимиздаги 300 га яқин коммунистнинг ҳар бири, шу жумладан ўзим ҳам ишлаб чиқаришдаги шу каби долзарб масалалар ҳақида жиддийроқ ўйлашимиз, партия йиғилишларида тез-тез сўзга чиқиб, ечимини кутаётган муаммоларни ҳал этишда биринчи бўлиб ташаббус кўрсатишимиз керак, деган қатъий фикрга келдим.

**З. Асадуллаев, прораб, комбинат партия комитети аъзоси:** — Мен суҳбатда партия ташкилотимиз коммунистларга партия топшириқлари беришни тўғри йўлга қўйсин, деган таклифни айтдим. Масалан, мен комбинат партия комитети аъзосиман. Бундан ташқари, 3-қурилиш конвейерлари бошқармаси партия бюроси секретарининг идеология ишлари бўйича ўринбосари, пропагандистлик, агитаторлик ва бошқа бир қанча партия топшириқлари ҳам берилган. Бу расмиятчилик, холос. Негаки, барча топшириқларни бирдай бажара олмаслигим ўз-ўзидан аён.

Коммунистлар аттестацияси комбинат партия комитетининг қайта қуришга партиявий таъсирини анча кучайтиришга кўмаклашяпти. Шу боисдан ҳар бир коммунист вақти-вақти билан ана шундай «имтиҳон»дан ўтказиб турилса, фойдадан холи бўлмасди.

**А. Каблов, бригадир.** — Комбинатимизда ташкилий қайта қуришлар амалга оширилди. Тўртта қурилиш бошқармаси бирлаштирилиб, иккита — 3-қурилиш конвейерлари бошқармаси ва 35-пардозлаш ишлари бошқармаси тузилди, иккита завод бирлаштирилиб, 3-йирик панелли уйсозлик заводи ташкил этилди. Бу бошқарув аппаратини қисқартириш, бошқарувни такомиллаштириш, маблағларни зарур мақсадларга сарфлаш, ишчи кучи ресурслари, машина ва механизмларни жамлаш, мувофиқлаштириш имконини берди.

Лекин энг муҳими, ҳар бир меҳнатчи, ҳар бир коммунистнинг онгида қайта қуриш юз бериши керак. Назаримда, аттестация маълум маънода ана шунга ҳам хизмат қилиши даркор. Мен бугун аттестациядан ўтгач, ана шундай фикрга келдим. Бинобарин, комбинат партия комитети хўжалик ҳисоби ва ўзини ўзи маблағ билан таъминлаш шароитларида биринчи навбатда барча бўғинлардаги раҳбар кадрлар психологиясида ўзгариш ясашга, умуман, идеология ишларига эътиборни кучайтиришга даъват этилган.

### *Шу кунги аттестация жараёни хусусида айрим хулоса-қайдлар:*

**Аттестация белгиланган вақтда бошланди. Коммунистларга аввало ўзлари ва коллективлари фаолиятини яхшилашга, ўз савияларини ҳар томонлама оширишга, оилавий аҳволига тааллуқли, сўнгра эса бевосита ишлаб чиқаришга, экономикага, партиямизнинг ҳозирги сиёсатига доир саволлар берилди.**

**Аттестациядан ўтувчиларнинг жавоблари асосан қониқарли. Коммунистнинг ишдаги ибратини, фаоллиги ва ташаббускорлигини, ўз вазифасига масъулиятини ошириш тўғрисида, ҳалоллик ва партиявий принципиаллик ҳақида қизиқарли суҳбат бўлди.**

**Аттестациядан ўтаётган уччала коммунистнинг ҳам характеристикасида уларнинг фақат яхши томонлари ҳақида ёзилган, камчиликлари хусусида эса ҳеч нима дейилмаган. Ҳолбуки ҳар бир инсон, ҳар бир коммунистда ҳам у қанчалик баркамол бўлмасин, камчиликлари бўлади. Буларни тузатиб олиш учун унга шу нуқсонларини албатта кўрсатиш лозим. Бу — давр талаби, партия талаби.**

**Аттестация бошланганидан сўнг ярим соат ўтмай, комиссия аъзоларидан бири, комбинат партия комитети секретари Татьяна Семёнова шаҳар партия комитетига таклиф этилганлигини айтиб, кетиб қолди. Ваҳолонки, ҳеч қандай сабаб комиссия аъзоларидан бирортасининг аттестацияни тарк этишига узрли баҳона бўлолмайди. Чунки, аттестация олдиндан ҳаммага маълум ва белгиланган график бўйича, белгиланган соатда ўтади. Партком секретарининг ўзи бу тартибни бузгани таажжубланарли ҳолдир.**

**Комиссия аъзоларидан бири, сайлаб қўйиладиган орган вакили, район партия комитетининг ташкилий бўлими мудири Р. Қурбонов аттестация комиссияси ишида қатнашмади. У комбинат партия комитетида аттестация бошланганидан бери аттестация комиссияси ишида атиги бир марта иштирок этди, холос.**

**Район партия комитети адресига ўринли савол: сайлаб қўйиладиган органлар вакилларини, райком аппарати ходимларини, аттестация комиссиялари составларига расмиятчилик учунгина киритишнинг нима ҳожати бор? Аттестация комиссияси аъзоларининг бу тадбирда фаол қатнашишини таъминлаш район партия комитетининг муҳим вазифаси.**

**О. НАЗАРОВ,**
**«Совет Ўзбекистони» махсус мухбири.**

## ЯНГИ МАССИВ ЯНГИЧА ҚУРИЛАДИ

**● «Ташгипрогор» институти лойиҳачилари: — Янги массив янгичасига қурилади. Бунинг учун лойиҳани замонавий услубда яратдик. Аҳоли истиқомат қилиши билан бирга, бу ерда барча қулайликларни яратиш кўзда тутилган.**

**● Массив бунёдкорлари: — Биз кўникиб қолган улкан қурилиш майдончаларида янги уйларни қуриш осон кўчмаяпти. Замонавий уйлар ҳажмли-блок усулида бунёд этилаётганлигига алоҳида эътибор бермоқдамиз.**

**Тошкентдаги «Сергели-8» турар жой массивида янги микрорайон барпо этилиши бошлаб юборилди. Юқорида таъкидланганидек, у янгича усулда юзага келтирилмоқда. Маданий ва социал маиший аҳамиятга эга бўлган объектлар қурилишига жой ажратилган. Янги массивда савдо маркази бўлиб, бу ерда ўз-ўзига хизмат қилиш магазини, бозор, кафе, дорихона жойлашади. Шахсий автомашиналар учун алоҳида майдон ажратилган. Кичкинтойлар учун болалар ясли ва боғчалари қурилади. Икки мактаб ўқувчиларни ўз бағрига олади. Спорт мухлислари учун ҳам алоҳида тухфа тайёрлаш мўлжалланган. Аҳоли мусобақа ўтказадиган стадион, теннис майдончалари бўлади.**

**Меъморларнинг фикрича, 9 ва 16 қаватли турар жой биноларида иқлим шароитлари алоҳида ҳисобга олинган. Мавжуд уй-жойлардан улар ташқи кўриниши билан ҳам фарқ қилади.**

**Биринчи уйсозлик комбинати ва «Главташкентстрой»нинг ҳажмли-блок усулида уй-жой қуриш трестининг тажриба комбинати коллективлари янги микрорайонни барпо этмоқда.**

**Объектда иш қизғин. «Ташсантехгазмонтаж» трестининг биринчи монтаж бошқармаси аъзолари иссиқлик трассаларини ётқизишмоқда. Пойдевор қўйиш ишлари авжида. Пайвандловчиларнинг эса қўли — қўлига тегмайди. 4-разрядли пайвандловчи монтажчи Д. Югай, Р. Солиҳов, Р. Тожибоев сингари меҳнатчилар мусобақа илғорлари сафидан ўрин олиб турибди.**



**Суратда: «Ташсантехгазмонтаж» тресги 1-монтаж бошқармаси кран машинисти Н. Чумаев.**

**А. КОШКИН фотоси (ЎзТАГ).**

## Демократияни ўрганайлик

Қайта қуриш жараёнида партиявий ишнинг ўзига хос янги формаси бўлган ахборот конференциялари партия ташкилотлари жанговарлигини, коммунистлар авангардлиги ва ташаббускорлигини оширишда муҳим роль ўйнамоқда.

Жиззах область партия комитети яқинда ана шундай конференция ўтказди. Партия, совет, касаба союз ходимлари, ишлаб чиқариш илғорлари ҳамда корхона ва муассасаларнинг раҳбарлари иштирок этган бу конференцияда область меҳнаткашларининг КПСС Марказий Комитети Бош секретари М. С. Горбачевнинг республикамиз раҳбар ходимлари билан учрашувда сўзлаган нутқидан келиб чиқадиган вазифалари муҳокама этилди.

Доклад ва нутқларда областда қайта қуриш жараёнининг дастлабки сиёсий ва иқтисодий натижалари таҳлил қилинди. Кейинги йилларда халқ хўжалигини планлаштириш, ўз-ўзини бошқариш ва меҳнатга ҳақ тўлашнинг янги усулларини жорий этиш оммавий тарзда амалга оширилаётганлиги таъкидланди. Областдаги пахтачилик ва чорвачилик бригадаларининг асосий қисми пудрат усулига ўтди. Натижада агросаноат комплекси тармоқларида ўтган йили жами 32 миллион сўм даромад қилинди.

Бироқ ўз фаолиятини янгича қуриб ололмаётган, бир ерда депсиниб турган коллективлар сони ҳали ҳам кўп. Партия ташкилотлари янги иқтисодий услубга ўтишда пассивлик кўрсатаётган хўжалик ва корхоналар раҳбарлари билан муроса қилиб келмоқдалар. Кўпгина коммунистлар ўзибўларчилик, сансалорлик ҳолларига бефарқ муносабатда бўляптилар.

Эскича услубда ишлаб янги вазифаларни бажариб бўлмайди. Конференция қатнашчилари бутун халқнинг, коммунистларнинг қатъий, дадил, ташаббускор ҳаракати натижасидагина қайта қуриш ва жадаллаштириш жараёнида муваффақиятга эришиш мумкинлигини таъкидладилар.

Конференцияда область партия комитетининг биринчи секретари И. С. Умаров «Туб иқтисодий ислоҳот — мамлакатни социал-иқтисодий ривожлантиришни жадаллаштиришнинг янги босқичи», область партия комитетининг секретари Б. Умаров «Қайта қуриш шароитида демократиянинг ривожланиши» мавзуида доклад қилдилар.

**Б. САТТОРОВ.**

• *Қайта қуриш чорраҳаларида*

## МУҲИМ МАВЗУГА ЮЗАКИ МУНОСАБАТ

### РАЙОН ГАЗЕТАЛАРИДА СОЦИАЛИСТИК МУСОБАҚА МАВЗУИ ҚАНДАЙ ЁРИТИЛЯПТИ?

Қайта қуриш ва жадаллаштириш жараёни омма ўртасида меҳнат кўтаринкилигини, ижодкорликни вужудга келтирди. Меҳнат беллашуви умумхалқ мусобақасига айланди. Социалистик мусобақа журналистлар учун ҳам қизиқарли мавзу бўлиб қолди.

Москва район **«Янги ҳаёт»** газетаси бу мавзуни кенгроқ ёритишга ҳаракат қиляпти. Редакцияга турли касб эгаларидан кўплаб хатлар келиб турибди. Шаҳрихон шойи тўқиш фабрикасининг бир группа илғор ишчилари ўтган йилнинг бошида Улуғ Октябрнинг 70 йиллик юбилейи кунигача йиллик планни бажариш юзасидан мусобақа бошлашгани ҳақида ёзишганди. Бу хат газетада эълон қилинди. Ташаббускорлар орасида тўқувчи Ҳалимахон Абдупаттоева ҳам бор эди. У юбилей кунигача икки ярим йиллик планни уддалаш, 7961 шартли метр хонатлас тўқиш, тўрт нафар ёш ишчига касб ўргатиш, иккита дастгоҳда ишлашга ўтиш мажбуриятини олганлигини айтди.

Шаҳрихон нон комбинатининг ишчиси Муҳаммаджон Ёқубов, пахта тозалаш заводи қошидаги нотўқима материаллар цехининг ишчиси Мавлудахон Қорабоева ҳам бу ташаббусга қўшилганди. «Янги ҳаёт» газетасида босилган «Олдинда бўлиш масъулияти», «Дастурхон тўкинлиги йўлида», «Уддаласа бўладиган иш» сарлавҳали мақолаларда ташаббускорларнинг иш тажрибаси, меҳнат мусобақаси ҳақида ҳикоя қилинди. Газетанинг бу чиқиши кўп ишчилар, қурувчилар, механизаторлар, колхозчиларни руҳлантирди.

Редакция ижодий коллективи йил охирида ташаббуснинг тақдири билан қизиқди. Газетанинг 22 декабрь сонида «Ташаббус изидан» рубрикаси остида «Натижалар қувончли» сарлавҳали мақола босилди. Унда ташаббускорлар юксак мажбуриятларини шараф билан бажарганликлари айтилган. Жумладан, М. Ёқубов бригадаси 38,5 тонна ўрнига 43 тонна нон маҳсулоти ишлаб чиқаргани, М. Қорабоева эса 31,2 минг шартли метр ўрнига 50,4 минг шартли метр нотўқима материал ишлаб чиқаргани ва бунга қандай қилиб эришганликлари ҳақида ёздилар.

Шаҳрихон шойи тўқиш фабрикаси ўтган йил якунлари бўйича Бутуниттифоқ социалистик мусобақаси ғолиблари сафидан ўрин олди.

Шу йил 6 апрель куни «Янги ҳаёт» газетасида босилган «Корхонанинг дадил одими» сарлавҳали бир саҳифа материаллар ташаббускор тўқувчиларнинг ана шу катта меҳнат ғалабасига бағишланди. Бу социалистик мусобақа тўғрисидаги энг яхши саҳифалардан бири бўлди. Биз бу мисолда газета ишидаги изчилликни кўрамиз.

Район журналистлари қайта қуриш талабларини тўғри англаб, ўз ишларини яхшилашга астойдил киришдилар. Газета саҳифаларида ўқишли мақолалар бирмунча кўпайди. Уларнинг таъсирчанлиги ортди. «Қайта қуриш ва биз», «Қайта қуриш қандай бормоқда?», «Қайта қуриш чорраҳаларида», «XIX Бутуниттифоқ партия конференциясини муносиб кутиб олайлик!» деган янги рубрикалар газета саҳифаларида тез-тез кўзга ташланмоқда. Социалистик мусобақа мавзуи турли жанрларда ёритиляпти. Илғорлар ишни қандай қайта қураётганини газета амалий тарзда кўрсатиб бермоқда. «Мусобақадошингиз ким?» (12 февраль), «Икки ой сарҳисоби» (11 март), «Квартал қандай якунланди?» (3 апрель) сарлавҳали материаллар газетхонлар эътиборини тортди. «Янги ҳаёт»нинг сайёр редакцияси «Октябрь» колхозида» рубрикаси остида босилган катта мақолада (13 март) 1987 йил якуни чуқур таҳлил қилинган ва бу йилги режалар баён этилган.

Редакция ижодий коллективи район партия комитети билан биргаликда «Келинг, очиқчасига гаплашайлик!» деган мавзуда давра суҳбати ўтказиб, бу ҳақда қизиқарли мақола берди. Унда шу куннинг долзарб масалалари кўтарилган.

Шунга қарамасдан, газета редакцияси ишида ҳали камчиликлар кўп. Газетада бевосита социалистик мусобақага бағишланган тематик саҳифалар, мусобақани ташкил этишдаги юзакичилик ҳақида танқидий мақолалар берилмаяпти.

Анъанага мувофиқ ҳар йили пахта йиғим-терими кампанияси даврида социалистик мусобақанинг ошкоралигини таъминлаш, таъсирчанлигини янада ошириш, илғорларни моддий ва маънавий рағбатлантириш мақсадида кўчма Қизил байроқлар таъсис этилар эди. Бу байроқлар энг юқори кўрсаткичга эришган хўжаликларга бериларди. Кейинги йилларда қишлоқ жойларда мусобақа юзакилашиб, мусобақа шартларининг бажарилишини текшириш эса меҳмондорчиликка айланиб кетди. Шунинг учунми, ўтган йили аксарият районларда, жумладан Москва районида ҳам социалистик мусобақага якун ясаш, ўзаро текширишлар ўтказиш, ғолибларга кўчма Қизил байроқлар, вимпеллар, мукофотлар бериш ўз-ўзидан деярли тўхтаб қолди.

«Янги ҳаёт» газетаси қишлоқ меҳнаткашларининг мусобақаси ҳақида ижобий ёки танқидий мақола бермади. Бу ҳол газетхонларни ҳайратга солди. Меҳнаткашларнинг активлигини оширишда социалистик мусобақанинг аҳамияти катта. В. И. Ленин таъбири билан айтганда, социалистик мусобақа оқибат натижада меҳнат унумдорлигини оширадиган ягона омил бўлиб қолади. Шундай экан, социалистик мусобақанинг ролини камситишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. Унинг янги-янги формаларини топиш, социалистик мусобақага партиявий раҳбарликни яхшилаш керак.

Ушбу мақолани тайёрлаш жараёнида Балиқчи район «Ғалаба» газетаси саҳифаларида ҳам социалистик мусобақа мавзуи қай тарзда ёритилаётганини ўрганишга тўғри келди. Шу йилнинг ўтган ойларида газетада «Мусобақа асосида», «Социалистик мусобақа — ютуқлар гарови», «Социалистик мажбуриятларингизни қандай бажаряпсиз?», «Мусобақа қизитилмоқда» сарлавҳали мақолалар, хат-хабарлар босилди. Лекин бу материаллар бир қолипда, зерикарли ёзилган. Баёнчилик устун туради.

Газетанинг шу йил 3 февраль сонида Балиқчи нотўқима материаллар фабрикасидан А. Абдуллаев бошлиқ бригада коллективининг, 5 февраль сонида «Коммунист» колхозидан И. Бобоматов бошлиқ хашаки (озуқабоп демоқчи) лавлаги етиштирувчи оилавий звено аъзоларининг, 7 февраль сонида «Пахтакор» колхози меҳнаткашларининг, 10 февраль сонида «КПСС XXV съезди» колхози сут-товар фермаси коллективининг XIX Бутуниттифоқ партия конференцияси ва район ташкил этилганлигининг 60 йиллиги шарафига қабул қилган социалистик мажбуриятлари босилди. Бу рўйхатни яна давом эттириш мумкин. Мажбуриятларнинг ҳаммаси «Ташаббускорлар адресини маълум қиламиз» рубрикаси остида эълон қилинди. Лекин, газета ходимлари ташаббускорларнинг адресини маълум қилишдан нарига ўтмаётирлар. Бундай коллективларнинг иш тажрибаси, меҳнат беллашуви «Ғалаба» газетаси учун асосий мавзулардан бири бўлиши керак эди. Бироқ газета бу имкониятдан фойдаланмаётир.

Газетанинг 14 февраль сонида «Мусобақа ғолиби» сарлавҳали хабар босилди. Унда шундай мужмал сатрлар бор. «Сигир соғувчилар ўртасида хўжаликлардагина эмас, балки район бўйича ўзаро социалистик мусобақа ташкил этилганлиги ўзининг ижобий самарасини бермоқда. Ана шу анъанага мувофиқ соғувчиларнинг шу йил январь ойи якунига кўра Охунбобоев номли колхознинг соғувчиси Хандонхон Рустамова 161 соғувчи ўртасида пешқадам бўлиб чиқди...».

Газетанинг ёзишича, мусобақа ўзининг ижобий самарасини бераётганмиш. Қани ўша самара? Нега у мақолада кўрсатилмади? Соғувчиларнинг якуни эмас, ойлик ишнинг якуни бўлиши мумкин. Газета умумий гаплар ўрнига соғувчи қандай қилиб кўп сут соғиб олаётганини очиб бериши лозим эди.

Шу сонда «Соғувчилар мусобақаси қандай боряпти?» деган умумий сарлавҳа остида 161 нафар сигир соғувчининг рўйхати эълон қилинган. Бундай рўйхат ҳар ойда мунтазам бериб борилади. Қуруқ рўйхатлар билан газета саҳифаларини банд этиб қўйиш — редакция ходимлари ҳамон эскича фикрлашаётгани оқибатидир. Зерикарли, бир-бирига ўхшаш, умумлашмаларсиз ҳамда муаллифнинг позицияси аниқ бўлмаган материаллар газета саҳифаларида ҳамон учраб турибди. Газетада социалистик мусобақа мавзуини ёритишда изчиллик ҳамда аниқ мақсад сари интилиш йўқ. Босилаётган материаллар қуруқ сафсатабозликдан иборат бўлиб, уларда таҳлил етишмайди. (Газетанинг 1987 йил 26 май сонида босилган «Тармоқнинг ойдин йўли» сарлавҳали мақола худди шундай).

Андижон область партия комитети бюросининг март ойида бўлиб ўтган мажлисида «Ғалаба» газетаси редакцияси ўз ишини собитқадамлик билан, изчил ҳамда ижодий тарзда қайта қуролмаётганлиги тўғри танқид қилинди. Газета ходимлари танқиддан тегишли хулоса чиқариб олишлари керак.

Коллективлар, ишчилар орасида ўзаро беллашувга асосланган мусобақанинг таъсирчанлиги ва тарбиявий роли катта, албатта. Айниқса, унинг ошкоралигига амал қилинса, матбуотда, турли йиғилишларда ўзаро мусобақа кимнинг фойдасига ҳал бўлаётгани ошкора айтиб турилса, ғолиблар ўз вақтида моддий ва маънавий рағбатлантирилса, беллашувнинг таъсир кучи ортади.

Бунинг учун коллективлар эришган ютуқларни бирбирига таққослаш, мусобақадошларнинг ўзаро текширувларини ташкил этиш, аниқланган камчиликларни рўй-рост таҳлил қилиб бориш сингари воситалардан фойдаланиш керак. Газеталар саҳифаларида «Мусобақадошларимиз ҳаётидан», «Дўстларимиз ҳузурида» каби доимий рубрикалар остида мунтазам мақолалар бериб бориш лозим.

Социалистик мусобақа мавзуини ёритиш мавсумий иш эмас. У изчилликни талаб этади. Бу соҳани ёритишда мавзунинг ва жанрнинг хилма-хиллигига эришиш мақсадга мувофиқдир. «Янги ҳаёт», «Ғалаба» газеталари қаламкашлари айнан шу йўлдан боришлари керак.

**А. ҚУРОНБОЕВ,**
**«Совет Ўзбекистони» мухбири.**

# Дунё воқеалари

## «Биродарлик» ёдгорлиги очилди

**Прагада очилган янги «Биродарлик» ёдгорлиги гитлерчи босқинчилар билан бўлган жанглардаги тўкилган қон билан мустаҳкамланган Совет ва Чехословакия халқларининг абадий дўстлиги рамзи бўлиб қолади.**

Супачада 1945 йилнинг ғолибона майини эслатувчи совет жангчилари ва қўлда қурол тутган Чехословакия ишчисининг бронза композицияси ифодаланган. Чехословакия диёрида фашизмни тор-мор келтиришда охирги нуқтани қўйиш уларга насиб этган эди. 20 йилдан кўпроқ вақт муқаддам вокзалолди майдонини реконструкция қилиш пайтида ёдгорликни вақтинча олиб қўйишга тўғри келди. Ниҳоят у қайта ўрнатиладиган кун келди.

Ёдгорликнинг очилишига бағишланган тантанали маросимда Чехословакия пойтахти аҳолиси, ЧКП Марказий Комитети секретариати аъзоси, ЧКП Прага шаҳар комитетининг биринчи секретари М. Штепан бошчилигидаги шаҳар партия ташкилоти раҳбарлари иштирок этдилар. (ТАСС).

● ЎЗБЕКИСТОН ВА ЖАҲОН

## «Ялла» Ҳиндистонда

**«Совет санъати фестивали доирасида Ҳиндистонда гастролларини бошлаган «Ялла» группаси жаз ва рок-музика воситалари орқали жонли шўх-чан ўзбек фольклорини намойиш этди». «Юксак профессионал савия ва ажойиб репертуар — ўзбек ансамблига хос хислатлардир». «Ялла» ансамбли Ҳиндистон пойтахтида концерт берганидан кейин Ҳиндистон матбуотида пайдо бўлган мана шу гаплар ва бошқа кўп ҳамду-санолар деҳлиликларнинг айтишича, ўзбек музикачилари ўз концертларида ярата олган катта байрам руҳини акс эттиради.**

Совет Иттифоқидан келган коллектив томошалари ўтаётган зални тўлдирган ҳалойиқ концерт программасининг номерларини қизғин ва самимий маъқуллаб турди. Томошабинлар гулдурос қарсак чалиб, куй билан ҳамоҳанг депсиниб турдилар, шунга ҳам қониқолмай жойида ўтиролмаганлар креслолар ўртасидаги йўлга чиқиб, рақсга туша бошладилар. «Пэтриот» газетасининг ёзишича, «анъанавий ва замонавий либос элементлари пайваста қилинган кийимдаги музикачилар томошабинларга Ўзбекистон ҳаётидан гўзал лавҳаларни ҳадя этдилар, ўз санъатларига жалб қилдилар».

Музикачилар Деҳлидаги муваффақиятлардан сўнг Ҳиндистон бўйлаб сафарга жўнаб кетдилар. Шу сафар чоғида улар Жайпур, Аҳмадобод, Вадодара, Бомбай ва Гоа шаҳарларида концертлар берадилар. (ТАСС).

## Уйларига қайтмоқдалар

**Бахтар агентлигининг хабар беришича, яна 200 га яқин афғон оиласи ватанига қайтиб келган. Маҳаллий маъмурлар уларга зарур моддий ёрдам кўрсатганлар, Хирот, Кобул, Қандахор ва мамлакатдаги бошқа бир қатор вилоятларда жойлашишларига кўмаклашганлар.**

«Кобул таймс» газетасининг хабар беришича, миллий яраш сиёсати эълон қилингандан бери ўтган вақт ичида Фарёб вилоятининг Ширинтаҳоб уездида оппозициячи ҳарбий қисмларнинг 3 мингдан ортиқ аъзоси қуролли ҳаракатни тўхтатган ва миллий яраш жараёнига фаол равишда қўшилган. Уездда, жумладан, уларнинг ёрдамида ўнлаб хавфсизлик постлари тузилган. Ширинтаҳобда мактаблар ва саводсизликни тугатиш курслари яна очилган. Уларга минглаб одамлар қатнамоқда. (ТАСС).

